

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиниг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида Самарқанд вилоят ҳокимининг 2014 йил 30 декабрдаги 275-К-сонли қарори қабул қилинди

Давлат Мулкини ижарага беришни янада тартибга солиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 ноябрдаги 315-сонли қарорлари ижросини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт вазирлигининг 2014 йил 23 декабрдаги 82-сонли, Молия вазирлигининг 2014 йил 23 декабрдаги БЮ/08-03-32-13/170-сонли, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 23 декабрдаги 227/01-14-сонли келишув хатлари ҳамда Адлия бошқармасининг 2014 йил 30 декабрдаги 05-17/3459/6-сонли хуносасини инобатгаолиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. 2015 йил учун Давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ҳақининг энг кам миқдордаги ставкалари 1-иловага мувофиқ;

бино ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш тартиби ва ҳисоблаб чиқиш учун қўлланадиган коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2011 йил 30 ноябрдаги 315-сонли қарорларига мувофиқ “Самарқанд вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонасининг транзит ҳисоб рақамига тушадиган ижара тўлови маблағларининг 50 фоизи маҳаллий бюджет даромадига, 40 фоизи давлат мулкини балансда сақловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга ҳамда 10 фоизи “Самарқанд вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси ихтиёрига йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

3. ”Самарқанд вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси (Б.Пайшанов) бир ой муддатда давлат мулкини ижарага бериш юзасидан давлат мулкини балансда сақловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан илгари тузилган шартномаларни хатловдан ўтказиш, уларни ҳисобга қўйиш ва шартномаларни белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришни таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 ноябрдаги 315-сонли қарорига асосан давлат мулкини ижара шартномасини тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сони атайлаб нотўғри қайд этилганлиги, бунинг натижасида ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги ҳолати аниқланган тақдирда, фойдаланганлик даври учун ижара тўловини икки баравари миқдорида балансда сақловчиidan ундирилади ва қуйидагича тақсимланади, 50 фоиз маҳаллий бюджетга, 50 фоизи марказнинг ихтиёрида қолади.

Балансида сақловчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари фойдаланилмаётган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни “Самарқанд вилояти давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли берилиши учун шахсан жавобгардирлар.

5. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимининг 2013 йил 26 декабрдаги 282-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Очилов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

З.Мирзаев

**Самарқанд вилоят ҳокимининг
2014 йил 30 декабрдаги
275-Қ-сонли қарорига
1-илова**

**2015 йил учун Давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун тўланадиган
ижара ҳақининг энг кам микдордаги ставкалари (бир йилга умумий фойдаланиш
майдонининг 1 кв. м учун)**

Т/р	Тармоқ коди	Ижарапчиларнинг фаолият тури	1кв.м учун йиллик энг кам ставка (сўм)
			2015 йил учун
Саноат			
1	11 200	Иссиклик манбаи	3100
2	13 100	Кимё саноати	3100
3	13 300	Нефт-кимё саноати	3100
4	14 100	Машинасозлик (Асбобсозликсиз)	3100
5	14 200	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	3100
6	14 300	Асбобсозлик	3100
7	14 400	Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	2500
8	14 500	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	2500
9	14 600	Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда майший приборлар ишлаб чиқариш	2500
10	14710	Санитар-техник ва газ ускуналари ҳамда буюмлари ишлаб чиқариш	3100
11	14 800	Металл конструкция ва буюмлар саноати	3100
12	14 900	Машина ва ускуналарни таъмирлаш	3100
13	14 780	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	3100

Үрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати			
14	15 100	Ёғочни тайёрлаш саноати	3100
15	15 200	Ёғочни қайта ишлаш саноати	3100
16	15 300	Целлюлоза-қоғоз саноати	3100
17	16 100	Курилиш материаллари саноати	3100
		Енгил саноат	
18	17 100	Тўқимачилик саноати	3100
19	17 200	Тикувчилик саноати	3100
20	17 300	Чарм, муйна ва пойафзал саноати	3100
21	17900	Енгил саноатнинг бошқа соҳалари	3100
		Озиқ-овқат саноати	
22	18100	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	3100
23	18200	Гўшт ва сут саноати	3100
24	18300	Балиқчилик саноати	3100
25	19210	Ун, ёғ ишлаб чиқариш саноати.	3100
26	19220	Комбикорм (аралаш озуқа) ишлаб чиқариш	2500
27	19700	Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	3100
		Саноатнинг бошқа соҳалари	
28	19300	Табобат саноати	3100
29	19400	Нашриёт саноати	8800
30	19740	Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш	3750
31	19900	Саноат хужалигини бошкариш	8800
		Қишлоқ хўжалиги	
32	21 100	Ўсимлиқчилик (иссиқхона)1 га	1 260 000
33	21 200	Чорвачилик	1500
34	21 300	Балиқчилик (в.т.ч питомники) 1га	1 260 000
35	22 200	Ветеринария хизмати	3100
36	22 300	Кишлоқ хужаликтига хизмат курсатувчи ташкилотлар ва корхоналар	3100
37	30 000	Урмон хужалиги (боғлар) 1га	1 260 000
		Автотранспорт ва алоқа	
38	51 111	Темир йўл транспорти жамоа фойдалниши	3100
39	51121	Автомобил хўжалиги (автожамланма, таксопарк, автостоянка, гараж ва автомойка)	3100
40	51 121	Транспорт воситаларини саклаш (Штраф майдони	800
41	51 520	Ахолининг юкларига тараспорт хизмат курсатиш ва бошка транспорт хизматлари	5650
42	52100	Почта алоқаси	3100
43	52200	Курьер (чопар) хизмати	6250

44	52300	Электро кабил алокаси	6250
45	52300	Электр ва радио, сотовой алоқаси переметирига тортилган сим ва ва асбоб ускуналари учун	26400
		Қурилиш	
46	60 000	Қурилиш	3100
47	66 000	Лойиха, лойиха-қидирув ва қидирув ташкилотлари	3100
		Савдо ва умумий овқатланиш	
48	71100	Улгуржи савдо	8800
49	71 130	Оптовые бозорлар сотиш ва хизмат курсатиш	22650
50	71 200	Чакана савдо	8800
51	71 200	Китоб савдо	1200
52	71 300	Умумовқатланиш	8800
53	71 400	Маданий-маиший ва хўжалик буюмларини ижарага бериш	8800
54	71 500	Халқ истеъмоли молларини олиш ва сотища воситачилик хизмати	13800
55	80 000	Моддий-техника таъминоти ва сотиш	8800
56	82 000	Ахборот-хисоблаш хизмати	8800
57	82 100	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш	8800
58	83 000	Кўчмас мулк операцияси	8800
59	84 300	Реклама, ваколатлик хизмати	8800
60	84 400	Аудиторлик фаолияти	8800
61	84 500	Маркетинг тадқиқотлари, тижорий фаолият, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати	8800
62	85 000	Геология кидирув геологический ва гидрометрология хизмати	15700
63	87 100	Тахририят ва нашриёт	5000
64	87 300	Металл чиқиндилиари ва чиқинди хомашёларини йиғувчи тайёрлов идоралари	5000
65	90 100	Турагжой хўжалиги (ТСЖ)	5000
66	90 220	Мехмонхоналар хўжалиги	10050
67	90 300	Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	5000
68	90 300	Парикмахер, фотосалон, ателье пойабзал таъмирлаш	7550
69	90 300	Ломбарт	11300
70	90 300	Ҳаммом	15100
71	90 300	Сауна	30200
		Соғлиқни саклаш.	
72	91 510	Даволаш-профилактика муассасалари	6250